

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 1-sentabr, yakshanba № 67 (15705)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз ватандошлар!  
Муҳтарам меҳмонлар!  
Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йиғирма икки йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам билан сиз, қадрли юртдошларимиз, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмуни билан аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуг тарих, маданият ва маънавиятга эга эканлигимизни, ўзликимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўси-

шини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йиғирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, **қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми?**

(Давоми 2-бетда)



Сардор Муллахонов фотокolleжи

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди

Мустақиллик тухфа қилинмайди. Жасорат ва матонат билан қўлга киритилади. Мустақиллик кунини халқимиз энг улуг, энг азиз айём, деб билади. Бу шонли санани катта шоду хуррамлик билан байрам қилади.

Бугун Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий

боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўللар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафақ, ранго-ранг байроқлар атрофга ажиб тароват бахш этган. Кўчаларни тўлдирган одамлар чироклар нуридан шуълаланаётган муаззам майдон томон ошиқади.

Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат

аъзолари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ташриф буюрган.

(Давоми 2-бетда)

## АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида эл-юртимиз озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг пок номларини тиклаш, руҳларини шод, қадамжоларини обод этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Собиқ мустабид тузум даврида халқимизнинг юзлаб асл фарзандлари ном-нишонсиз қўмиб ташланган Тошкент шаҳрининг Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жой давлатимиз раҳбари ташаббуси билан обод зиёратгоҳга айлантилди. 2000 йилда бу ерда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Мажмуа таркибида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил қилинди. 31 августни Қатағон қурбонларини ёд этиш куни сифатида нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Ушбу анъанага кўра, 31 август тонги-

да «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қурбон бўлган аجدодларимизни ёд этиш маросими ўтказилди. Қуръон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига хурмат бажо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Мана шундай муборак жойларда, халқимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган минг-минглаб ватандошларимизни эслар эканмиз, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз ҳаёдан ўтади. Улар бир умр орзу қилган, бугунги авлодга насиб этган мустақиллик, эркин ва фаровон ҳаётнинг аҳамиятини теранроқ англаймиз.

(Давоми 4-бетда)



# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми, боши 1-бетда)

**Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ.**

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва қудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, **биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?**

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб кетгани, қоқоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштиридан минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикаимизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, ўз сарҳадлари, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охириги йиллар давомида биз қўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан кам учраётган рақамлар, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиқлол йилларида ёқилги-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимиз-

да аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқдор бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омили ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги — 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва **бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.**

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Муҳтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилакларимизни изҳор этишга, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик ва ишларида янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидоийлик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга бекиёс ҳурматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмай-диган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда қалбимда беихтиёр катта ғурур ва ифтихор пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатдан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга ҳам тайёрман.

Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Муҳтарам ватандошларим, кадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

(Давоми, боши 1-бетда)

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси байрам шодийёнаси бошланаётганидан дарак беради.

Президент Исрол Каримов минбарга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади.

Майдонга ўрнатилган йирик мониторларда Президентимизнинг 1991 йил 31 август кунин парламент минбаридан нутқ сўзлаётган сиймоси намён бўлади. Исрол Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилади.

Бу сўзлар ҳурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг ўзига муносиб ҳурмати ва ҳуқуқини рўёбга чиқарди.

Бу йил энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб **«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!»** деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу широрда истиқлолнинг мазмун-моҳияти, мустақиллик туфайли ҳис этганимиз инжа туйғулар ўз аксини топган.

Истиқлол йилларида халқимизнинг турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда. Бу аҳоли даромадларининг изчил ўсаётгани, одамларнинг шахсий уй-жой ва сифатли истеъмол товарлари билан таъминланаётгани, яшаш учун зарур инфратузилманинг кенгайиб бораётганида намён бўлаётир. Бугун юртимиздаги оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига, ҳар уч оиладан бири шахсий автомобилига эга. Аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган.

Мамлакатимиз ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги бўйича жаҳон ҳам-жамиятида кўплар ҳавас қиладиган юксак ўринларни эгаллаб турибди.

... Даврага болалар чиқиб келади. Уларнинг шўх-шодон кулгилари, қувноқ рақс ва қўшиқларидан диллар яйрайди.

Истиқлол йилларида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ узлуксиз таълимнинг ноёб механизми яратилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий касб-

хунар коллежлари, академик лицейлар барпо этилди. Янги университет, институт ва академиялар ташкил этилиб, энг ноёб мутахассисликлар бўйича ҳам кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бунинг самарасида барча соҳаларда кадрларга бўлган эҳтиёж таъминланмоқда. Бугун умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичларда замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, чет тилларда эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Ёшларимиз энг нуфузли халқаро танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч қимдан кам эмаслигини исботламоқда. Жорий йилда мамлакатимиз ўқувчилари кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган замонавий скрининг марказлари, Республика иқтисодлаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Репродуктив саломатлик маркази, уларнинг минтақавий филиалларида оналар ва чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланди. Айтиш пайтда бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётгани ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, одамлар эркин нафас оладиган жамият барпо этилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани мустаҳкамлаб қўйилди. Бунинг ҳаётий ифодасини мамлакатимизда яшадиган ҳар қайси инсон, ҳар бир оиланинг орзу-интилишлари рўёбга чиқаётганида, одамларнинг дунёқароши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 3-бетда)



(Давоми,  
боши 1-, 2-бетларда)

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 46 дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислом конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон оммаси ҳурмати қозонмоқда. Дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида мамлакатимизнинг жаҳон сиёсат майдонидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

«Бу Ватан сенингдир». Қалбларга ҳаяжон солувчи, Ватанга дахлдорлик туйғуларини уйғотувчи ушбу кўшиқ садолари остида майдонга озодлигимиз ва тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади.

Эл-юртимиз осойишталиги, мамлакатимиз хавфсизлиги ишончли қўлларда. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида замонавий Қуролли Кучларни шакллантириш, унинг қудрати ва салоҳиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган тизимли ислохотлар бунда муҳим омил бўлаётир.

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг энг муҳим омили. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели»нинг изчил амалга оширилаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодийёти 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Бундай юксак натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган sanoat маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу 2012 йил 14 сентябрда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам алоҳида эътироф этилди.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакли жорий этилгани, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, энг муҳими, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани самарасида Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди.

Жорий мавсумда деҳқонларимиз 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этди. Бу рақамни 90-йиллардаги ҳолат билан қиёслаганда ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани аён бўлади. Мустақилликкача дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз айна пайтда ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда.

Янги боғлар, токзорлар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби тармоқлар ривожланаётгани натижасида бозорларимиз тўкин, дастурхонимиз файзли, баракали. Сабзавот, картошка, полиз экинлари, мева, узум етиштириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир.

... Оҳанглари эзгулик нишонлари бўлиб, байрам сахнасида мумтоз санъатимиз дурдоналари янграйди...

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илдизларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

Истиқлол йиллари Ватанимиз учун маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлди. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий-маданий меросимиз тикланди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди,

Алишер Навоий сингари улук боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Имом Бухорий, Абдуҳолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз, азиз-авлиёларимиз хоки-поклари обод, руҳлари шод этилди.

Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейини халқаро миқёсда нишонлаш анъана тусини олди. Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари қадим ва муаззам шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш асосида тарихимизни янада теран ўргандик, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизларини чуқур тадқиқ этдик, шундай улук аждодлар ворислари эканимиздан чексиз фахру ифтихор туйдик. Халқимиз даҳосининг бой маданияти-маънавий қадриятларидан саналган «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги катта байрамга айланди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

«Art Week Style.uz» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамга айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилаётган «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ» халқаро театр фестивали, Халқаро Тошкент фотобиеннаlesi каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилмоқда.

Президентимиз таклифига биноан 2013 йил мамлакатимизда Обод турмуш йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий

қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган эътибор самарасида шаҳарлар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут камайиб бормоқда.

Шу йилнинг 17 апрель куни пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

2009 — 2012 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 23,6 минг замонавий уй-жой, уларга мос инфратузилма барпо этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 10 мингта яқка тартибдаги замонавий уй-жой барпо этилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида кўплаб ана шундай уйлар ўз эгаларига топширилди.

Бундай имкониятлар оилаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, аввало, уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилмоқда. Аёлларимиз рўзғор ташвишларидан ортиб, ўз қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқармоқда. Фарзандларини соғлом ва баркамол этиб вояга етказмоқда.

Бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётганларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган хотин-қизлар мамлакатимиз та-

раққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

— Биз бахтли авлодимиз — шундай бир улук тарихий даврда яшаймиз, — дейди байрам тантаналарида иштирок этган Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабаси Муфассалхон Пўлатова. — Ота-боболаримизга армон бўлган, мамлакатимиз тарихида янги даврни бошлаб берган мустақилликни кўриш бизга насиб этди. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили улкан ўзгаришлар, тарихий воқеаларга бой бўлаётир. Юртбошимиз раҳнамолигида эришилаётган бундай улкан ютуқлар мана шу тантаналар шуқуҳида, юртдошларимизнинг очиқ чеҳрасида ҳам яққол кўриниб турибди.

— Ўзбекистон мустақиллиги байрамида иккинчи марта иштирок этаётганимдан мамнунман, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулудда ва мухтор элчиси Чжан Сяо. — Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Бунинг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўлами йилдан-йилга кенгайиб, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мустақиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман, бахтсаодат тилайман!

... Байрам тантанаси янада қизийди. Ватанни мадҳ этувчи кўшиқлар ва рақсларда яшаш завқи, ёш авлод қалби ва тафаккурида жўш ураётган бунёдкорлик иштиёқи, шу заминда туғилиб камол топиш бахтидан масрурлик ҳислари жўш уради...

Майдон узра таралаётган куй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улугнади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи кўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади, аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун — Мустақиллик куни юртимиз тарихидан асло ўчмайдиган буюк сана бўлиб қолаверади.

Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Ёғдуларга боқиб қалбларимиздаги ҳаяжон тошади. Қалблардаги эзгу ниятлар тилга кўчади:

— Мустақиллигинг абадий бўлсин, жонажон Ватаним!

— Улуғ тўйинг муборак бўлсин, буюк ва муқаддас Ватаним — мустақил Ўзбекистон!

**Анвар САМАДОВ,**  
ЎЗА муҳбири



# АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

(Давоми, боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари уламолар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатда бугунги кунда мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, олдимизда турган муҳим вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Биз мустақиллик йилларида азалий кадрятларимиз, дину диёнатимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш йўлида қандай катта ишларни амалга оширганимиз элу юртимизга яхши маълум. Лекин бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт ва унинг ўткир талаблари маънавият соҳасида янги-янги вазифаларни олдимизга қўймоқда. Бугун дунё микёсида инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда ёш авлодни миллий ва умуминсоний кадрятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни бизга ёт ва бегона бўлган турли бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга яхши аён, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Бу борада она заманимиздан етишиб чиққан, дунё илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимиз, олиму алломаларимиз мероси, албатта, беқиёс аҳамиятга эга. Бу ўринда гап ана шу бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш, уни фарзандларимиз, ёш ав-

лодимизга ҳаққоний ва безавол етказиш ҳақида бораётганини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз. Яъни, бошқача айтганда, бугун замон талаб қилаётган дунёвий билимлар билан бирга, инсон ҳаётининг маъно ва мазмунини англатадиган, эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби фазилатлардан сабоқ берадиган диний билимларни ҳам пухта ўзлаштирган одамгина давримизнинг кескин ва мураккаб саволларига жавоб топа олади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ ва яқин худудларида, Яқин Шарқ минтақасида юз бераётган қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар, низо ва зиддиятларнинг туб илди-зи ҳам айнан мана шундай кенг билим ва тушунчага эга бўлмаслик, жаҳолат ботқоғига ботиб қолиш, ақидапарас-тлик ва маҳдудлик билан боғлиқ, десак, янглишмаган бўламиз, деб сўзини давом эттирди Президент Ислон Каримов.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётимизга таҳдид солиши мумкин бўлган бундай хатарларнинг салбий таъсири, афсуски, бизнинг яқин ён-атрофимизда содир бўлаётган турли воқеа ва ҳодисалар мисолида ҳам кўриш, сезиш қийин эмас. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, бу воқеалар бизнинг худудимиздан четда, бизга даҳли йўқ, деб лоқайд қараш, бепарво бўлиб юриш асло мумкин эмас.

Энг ёмони, бундай ғоявий хуружлар турли йўллар билан, устамонлик билан олиб борилаётгани соғлом фикрли ҳар бир одамни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди.

Бундай ғаразли кучларнинг асосий нияти — ҳали ҳаётий тажрибаси, сиёсий-ижтимоий савияси етарли бўлмаган, содда ва ғўр ёшларни йўлдан уриш, ўзининг қабих ниятлари йўлида фойдаланиш эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Фақатгина мустақил фикрлайдиган, иймон-этиқоди мустаҳкам, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган эзгу кадрятларга садоқатли бўлган инсонгина бундай кутқуларга учмаслиги, тўғри йўлдан адашмаслиги мумкин. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда фарзандларимизни юксак билим ва маънавий фазилатлар билан қуроллантиришимиз лозим. Уларга биз учун муқаддас бўлган ислом динининг чинакам инсоний моҳиятини, унинг тинчлик, яхшилик, меҳр-шафқат, ҳамжиҳатлик дини эканини тўғри тушунириб беришимиз керак. Бизга ёт ва бегона бўлган турли зарарли оқимлардан ҳимояланиш учун одамларга бу борадаги бор ҳақиқатни етказиш зарур. Таъбир жоиз бўлса, бундай хавф-хатарлардан одамларни, авваламбор, ёш авлодни ҳақиқат билан ҳимоя қилиш керак.

Шу маънода, бугун ислом олами юксак ҳурмат ва эҳти-

ром билан эътироф этадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк уламоларимиз қолдирган бой маънавий мерос биз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, илоҳий ислом таълимотини, хусусан, мўътабар ҳадисларни башариятга етказиш йўлидаги Имом Бухорий бобомизнинг маънавий жасоратини алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим, деб биламан. Бу улуғ бобомизнинг табаррук меросини мен доим такрор ва такрор мутолаа қилиб, нафақат ўтмиш ва бугунги ҳаёт, балки эртанги кун билан боғлиқ жуда кўп саволларга жавоб топаман. Айниқса, у зотнинг қаламига мансуб «Ал-адаб ал-муфрад» асарида одамзот учун ибрат ва намуна бўладиган, уни ҳақ йўлга, эзгуликка бошлайдиган қанча-қанча ҳикмат ва ўғитлар борлигига, уларда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия масаласи инсонни инсон қиладиган асосий мезон сифатида белгиланганига ишонч ҳосил қиламан.

Бундай табаррук асарларнинг долзарб аҳамияти шундаки, улар дунёнинг айрим худудларида одоб-ахлоқ асосларига болта урилаётган, «оммавий маданият» кўринишлари тобора кенг тарқалиб бораётган бир вазиятда, бамисоли инсониятнинг кўзини очиб берадиган, уни огоҳ этадиган бонг каби янграмоқда. Ислон маданияти, ислом

фалсафасининг қадимий марказларидан бири бўлган бизнинг муқаддас заманимизда камол топган ана шундай улуғ олиму уламолар, азиз-авлиёларимизнинг ўлмас меросини, биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни жаҳон микёсида кенг тарғибу ташвиқ қилиш, Ўзбекистонимизда виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан дунё жамоатчилигини кенг таништириш мақсадида юртимизда, хусусан, Самарқанддаги Имом Бухорий халқаро илмий марказида турли илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, айна муддао бўлур эди.

Мана шундай ноёб меросимизни, такрор айтаман, эл-юртимизга, фарзандларимизга етказишда мен уламоларимиз, кўпни кўрган оқсоқолларимиз, маҳалла фаоллари, зиёлилар, кенг жамоатчилигимиз янада фаоллик кўрсатишини истардим, деди пировардида давлатимиз раҳбари. Шу куни Президентимиз Ислон Каримов Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам ёдгорлик пойига гуллар қўйилди.

ЎЗА

## ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН МАДҲИ

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови жараёнида она юртга муҳаббат руҳи билан йўғрилган янги қўшиқлар яратилмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания ҳамкорлигида «Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шоири остида ташкил этилган мазкур ижодий танлов мамлакатимизнинг барча худудларида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини раванқ топтириш, ижодкорлар меҳнатини

эъозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг кўнгли мулкига айланувчи юксак савияли қўшиқларни яратишни рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этиш, шоир, бастакор ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Танловда ёши, касби, миллати, профессионал тайёргарлик даражасидан қатъи назар, барча хонандаларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва қамровини янада оширмоқда.

Мазкур кўрик-танловнинг ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов сўзи, Ўзбекистон санъат арбоби Баҳрулла Лутфуллаев мусиқаси билан ижро этиладиган «Жоним Ватан» кўшиғи учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмоновга берилди.

Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик ижодкорлар — шоира Гулстан Аннақилчева шеъри, Ажинияз Пахратдинов мусиқаси билан «Нихол» мукофоти совриндори Сарбиназ Аннакулова ижросидаги «Шундай эркин замонлар» кўшиғи лойиқ топилди.

Учинчи ўрин Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон сўзи, бастакор Жавдодбек Козимов мусиқаси билан яратилган «Сен менинг Ватанамсан» кўшиғи учун Самарқанд давлат университети жамоасига берилди.

ЎЗА



Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат

## Бахт ва саодат маскани

Энг улуғ, энг азиз айём олди-дан Навоий шаҳрида «Бахт уйи»нинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Замонавий андозалар асосида бунёд этилган муҳташам қоша шаҳарликларга ўзига хос байрам тўхфаси бўлди.

— Бинонинг очилиш маросимида янги қўшалок оиланинг никоҳи қайд этилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб ислохотлар туфайли шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, аҳолининг турмуш фаровонлиги тобора ошиб бормоқда, — дейди Навоий шаҳар ФХДБ бўлими мудир Манзура Қўлдошева. — Барча қулайликларга эга мазкур мас-

кан ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида ёшларни оилага тайёрлаш, уларни ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган оилалар билан яқиндан таништириш борасида адлия органлари томонидан кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу «Бахт уйи»нинг фойдаланишга топширилиши никоҳдан ўтувчи ёшларни оилага тайёрлаш ва никоҳдан ўтказиш борасида юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада оширади.

Маросимда Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

Н.РАҲИМОВ,  
ЎЗА муҳбири





# ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

Фаргона доимо ўзининг юксак маънавиятли, маданиятли зиёлилари, шоиру ёзувчилари, миришкор бободехқонлари, спортчилари билан донг тартиб келган. Шу билан бирга, у жадал тараққий этаётган вилоятлардан бирidir. «Фаргона нефтни қайта ишлаш» заводи, «Фаргонаазот», «Кварц», «Кувасойцемент» каби йирик корхоналар нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам танилган.



Асакадаги «GM Uzbekistan» қўшма корхонасига 183 турдаги бутловчи ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берадиган «UZSUNGWOO» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 4,5 фоизни ташкил этиши иш кўламининг юқорилигидан далолат.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган яна бир корхона — «Фаргона Турон текстил» масъулияти чекланган жамияти бир йилда 8,2 минг тонна калава-ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, маҳсулотнинг 82 фоизи хорижга экспорт қилинмоқда.

2011 йилнинг август ойида Қўқон шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган «Indorama Kokand Textile» Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонасида 750 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Бу ерда кунига қирқ тонна сифатли калава-ип тайёрланади.

Вилоятда ҳар бир туман ва шаҳарнинг муайян соҳага ихтисослашуви, улардан мавжуд инфратузилма ҳамда уни модернизация қилиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Шунга қўра, бугунги кунга қадар 1359 та лойиҳа амалга оширилди, 65,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция ўзлаштирилиб, жами 6478 та янги иш ўрни яратилди. Истиқболли лойиҳалар асосида ташкил қилинган корхоналарда ўн миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва беш миллиард сўмга яқин хизматлар кўрсатилди. Жумладан, саноат бўйича 235 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтириш бўйича 899 та, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бўйича 255 та лойиҳа амалга оширилган.

2008 йилда вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг саккиз фоизи маҳаллий саноат корхоналари-

нинг улушига тўғри келган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 19,1 фоизга ортди.

Сўнгги йилларда инвестиция лойиҳалари асосида Кувасой шаҳридаги «Кувасойцемент» қўшма корхонасида цемент, Учкўприк туманидаги «Хумо тўқимачи» МЧЖда калава-ип, Фаргона шаҳридаги «Экопласттекс» МЧЖда полиэфир тола, Данғара туманидаги «BUR-SAL SHOES» МЧЖда пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Юртимиз мустақиллигининг 22 йиллиги шодиёналари арафасида Олтиариқдаги «Файз бинокор» корхонаси бунёдкорлари томонидан баландлиги ўттиз метр бўлган ҳамда 36 гектар боғ майдонига эга санъат кошонаси қуриб битказилмоқда. Шунингдек, яқинда «Кувасой таъмирқурилиш» МЧЖ қурувчилари Фаргона олимпия захиралари спорт коллежининг ёпиқ сузиш ҳавзасини бунёд этиб, ушбу объектда 5,3 миллиард сўмлик қурилиш ишларини бажаришди.

Фаргона вилоятида ҳар бир ҳудуднинг кўркига кўрк қўшадиган автомобиль йўллари қурилишига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Жорий йилда маҳаллий ҳокимликлар балансидаги 102,3 километр йўлни тўла ва жорий таъмирлаш режага киритилган. Бунга 6,1 миллиард сўм маблағ ажратилди. Аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлаш ва қулайликлар яратиш мақсадида 57 та ичимлик сув қудуғи, 42,6 километр масофадаги ичимлик сув тармоқлари фойдаланишга топширилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида вилоятдаги тижорат банклари филиаллари томонидан 7,1 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Давлат дастури доирасида вилоятда ўттиздан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган. Айниқса, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИХ вилоят бўлимлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилган китобхонлик ҳафталиги кўпчиликда унутилмас таассурот қолдирди.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ташкил этилган маънавият ҳафталиги доирасида бир қатор шаҳар ва туманлардаги таълим муассасаларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъдодли журналист Қутлибека Раҳимбоева, шоира Муҳтарама Улугваннинг ижодига бағишланган бадиий кеча ва учрашувлар, тасаввуф шоири Хўжагон Рожий Марғилоний таваллудининг 85 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида бир қанча кўрик-танловлар ҳам ўтказилди. Уларда «Энг яхши маъруза матни», «Энг яхши асар», «Энг яхши кўшиқ», «Энг яхши санъат асари», «Энг яхши телекўрсатув» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, пул мукофотлари, замонавий техника воситалари ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ёшлар маданият ва спорт маркази»да катта маданий тадбир ташкил этилди.

Марғилон шаҳрида эса «Истеъдодим сенга баҳишда, Ватан!» шиори остида «Марғилон мушоираси» анъанавий кўриктанлови ўтказилиб, истиқлол айёми олдидан барча фарғо-

наликлар қалбига шоду хуррамлик олиб кирди.

Бугунги кунда вилоят спортчилари эришаётган ютуқларга ҳавас қилса арзийди. Мустақиллик йилларида бу заминда юздан ортиқ жаҳон ва Осиё чемпионати ғолиб ва совриндорлари, ўн тўққиз нафар халқаро тоифадаги спорт устаси етишиб чиқди.

Жумладан, Фаргона ҳуқуқшунослик коллежи ўқувчиси Абдурахмон Мамажонов Парижда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этди. Шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Нафиса Мўминова бу йил Халқаро шахмат федерацияси — FIDEнинг халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди. Қўқон давлат педагогика институти талабалари — Достон Сайдалиев, Сардор Умаров ва Василий Хмелевскийнинг атлетика бўйича республика чемпионатида олтин медалларни қўлга киритди. Ҳарбий техника йўналишидаги академик лицей ўқувчиси Иброҳим Олимов Бангкоқда ўтказилган комбат айкидо бўйича халқаро турнирда ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Филиппинда ўтказилган ёшлар ўртасидаги бокс бўйича Осиё турнирида Ойбек Шарипов чемпион бўлиб қайтди. Шу турнирда яна бир фарғоналик спортчи — ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиби, Осиё биринчилигининг кумуш медал соҳиби Акмалжон Қосимов энг яхши ёш боксчи сифатида тан олинди. Фаргона шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари, гимнастикачилар — Муштарийбегим Жалолова ва Анастасия Мирошниченко «Олимпия умидлари» республика турнирининг бир неча карра чемпионлари ва мамлакат терма жамоаси аъзолари саналади.

Шу йил ўтказилган Универсиада спорт ўйинларининг минтақавий саралаш босқич-

ларида вилоят терма жамоаси ғолиб бўлгани ҳам эътирофга лойиқдир. Шунингдек, «Ёш чегарачилар» ҳарбий-спорт мусобақасида Данғара иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчилари эркин учар ва радио бошқарувли авиомодель бўйича ғолиб бўлиб, республика финал босқичига йўлланма олишди.

Ермозор академик лицейи ўқувчиси Хонзодабегим Аъзамова пинчак силат бўйича олти карра мамлакат чемпиони. У жорий йилда Таиландда ўтказилган мусобақада махсус сертификат билан тақдирланди. Вилоят бокс мактаби тарбияланувчиси, кўқонлик Баҳодир Мамажонов шу йилнинг апрель ойида АҚШда Бутунжаҳон бокс ассоциацияси томонидан ўтказилган жангда мутлақ ғолиб бўлди. Фаргона шаҳридаги 33-мактаб ўқувчиси Бахтиёр Темиров фулкаит, лайткаит ва комбат бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида нақ учта олтин медал билан тақдирланди. Ёшлар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида боксчи Шоҳрухбек Рустамов ўз вазн тоифасида ғолиб бўлиб, олтин медални қўлга киритди. Чим устида хоккей бўйича қизлар ўртасида Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида вилоятнинг «Зарнигор» жамоаси ғолиб бўлди.

Бугун бутун Фаргона аҳли байрам шукӯҳи билан яшаяпти. Вилоятнинг ҳар бир гўшаси обод ва саришта, ҳар бир оилаю хонадонда фаровонлик ҳукм сурмоқда. Истиқлол берган имкониятлардан, яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, юрт равнақи йўлида қатъият ва ишонч билан ҳаракат қилишни ўз олдига олий мақсад қилиб олган фарғоналиклар бундан-да улкан марралар сари одимлайверади.

Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» муҳбири



# Юрт олдидаги қарз

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати-га аъзо бўлганимда ҳали талаба эдим. Ҳозирга қадар Ҳаракатнинг турли пиллапояларини босиб ўтдим — факультет етакчилигидан вилоят кенгаши раисининг ўринбосарлигигача. Мана, тўрт йилдирки, вилоят «Камалак» болалар ташкилоти раиси вазифасида меҳнат қилаяпман.

Ҳар бир куним ёшлар, болалар даврасида ўтади. Биласизми, мамлакатимиз ёшларида тенгсиз бир сифат бор — улар ниҳоятда ватанпарвар. Ушбу сифат, айниқса, мустақиллик даврида туғилган, истиклол берган имкониятлардан тўла фойдаланиб камол топаётган ука-сингилларимизда яққол кўзга ташланади. Бу болалар янгича фикрлайди, юрт тақдирини ўз тақдири билан боғлайди, Ватанимиз равнақи йўлида тинмай меҳнат қилишга, янги ғоя ва ташаббусларни рўёбга чиқаришга

тайёр. Қайси лойиҳани амалга оширмайлик, «Камалак»чиларимиздаги шижоатни кўриб, қойил қоламан.

Яқинда вилоят миқёсида «Энг намунали ижтимоий лойиҳа» танловини ўтказдик. Унда барча мактаблардаги «Камалак» сардорлари ўз лойиҳалари билан қатнашишди. Бир неча ойда қўлимизда юзлаб бир-биридан қизиқарли ва фойдали лойиҳалар тўпланди. Бир ўқувчи танловга Хоразмдаги қадимий ёдгорликлар ҳақида ўзи яратган сайтни тақдим этган

бўлса, бошқаси миллий кадриятларимиздан бири — кўғирчоқбозлик санъатини ёшлар орасида омалаштириш мақсадида мактабда кўғирчоқ театрини ташкил қилиш тақлифини берган. Эҳ-ҳе, болалар қалбига қулоқ тутсангиз, шундай фикрларни айтишадик, юртимиз истеъодларга бу қадар бой эканидан фахрланиб кетасан, киши. Ахир, мамлакатнинг эртанги куни, келажак ҳам шулар-ку! Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати эса бугун минглаб ёшларнинг истеъодини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Бундай эзгу ишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан бахтиёрман.

Ишингни яхши кўриб, сидқидилдан бажариш яхши, аммо меҳнатинг юксак даражада қадрланса, кишига икки карра завқ бағишлар экан. Барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимиз-

нинг 22 йиллиги арафасида турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида Президентимизнинг фармони эълон қилинди. Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар рўйхатида номимни кўриб, қалбим ҳаяжон ва ифтихорга тўлиб кетди. Бу янгилик мен учун қанчалик кутилмаган бўлса, шунчалик қувонч бағишлади. Чунки бу бутун жамоамиз, барча-барча жонкуяр, фидойи «Камолот»чиларга берилган юксак эътирофдир. Биз бу ишончни ҳамиша оқлашга ҳаракат қиламиз!

**Райҳон ДАВЛАТОВА,**  
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари,**  
**«Камалак» болалар ташкилоти раиси,**  
**«Шухрат» медали соҳиб**

**Истиқболим менинг!**

Бугун мамлакатимизда биз, ёшларга кенг имкониятлар яратиб бериляпти. Хоҳлаганча билим олишимиз, қизиққан ҳунаримизни эгаллашимиз мумкин. Тенгдошларимиз дунё ёшлари билан турли соҳаларда бемалол беллаша оляпти. Уларнинг ютуқларини кўриб, жуда ҳавас қиламан.

Тошкент педагогика коллежининг дизайнерлик йўналишида таҳсил олдим. У ерда кийиниш маданияти, матолар технологияси каби соҳанинг нозик сирларидан хабардор бўлдим. Шу даврда инглиз тилидан билимларимни мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча машғулотларга қатнадим. Интилишларим зое кетмади. Шунинг фахри билан айта оламанки, мен бугун Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабасиман! Келажакда инглиз тилини пухта ўрганиб, хорижлик сайёҳлар ва юртимиз меҳмонларини гўзал диёримиз билан таништирадиган моҳир таржимон бўлиш ниятидаман. Бу эзгу мақсадим сари керакли қадамни ташладим, деб ўйлайман.

Бугун навқирон 22 ёшни қаршилаётган мустақил Ўзбекистонимизга ифтихор, чексиз меҳр-муҳаббат билан нигоҳ ташлайман. Хотиржамлик, осойишталик ҳукм сураётган юртимизда улкан бунёдкорлик, ободонлик, бахтиёрлик. Мустақиллик байрами шуқуҳини, одамлардаги сурурни сезиш қийин эмас. Шундай юрт билан фахрифтхорга тўлмай, ватан мустақкам таянч эканлигидан ғурурланмай бўладими?!

**Эъзозахон ЖАББОРОВА,**  
**ЎзДЖТУ талабаси**

**Ikki avlod uchrashuvi**

## Фахрийлар ҳузурда

Мустиқиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан Қибрай туманидаги «Фахрийлар» оромгоҳида икки авлод учрашуви ташкил этилди. Кексаларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, тажриба мактаблари билан ўртоқлашиш, келажак учун маънавий кўприк ҳосил қилиш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир республика «Нуроний» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Халқ шoirлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ артистлари — Рихсихон Иброҳимова, Тўтихон Юсупова ҳамда сухандон Галина Мельникова, шунингдек, таниқли навоийшунос олимлар, нуроний отахон ва онахонлар, санъаткорлар, актёрлар, тадбиркорлар, «Камолот» фаоллари ҳамда турли ютуқларга эришган ёшлар иштирок этди.

Учрашувда икки авлод вакиллари ўртасида мустиқилликка эришиш йўлида олиб борилган ислохотлар ва унинг натижалари ҳақида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Учрашувдан яна бир бор англаб етдимки, бугунги тинч ва фаровон кунимизнинг кадрига етиб, ўқиб, изланиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшадиган, аждодларимизга муносиб авлод бўлишимиз керак. Бу ерда биз



учун буюк инсонлар мустиқиллик йилларида юртимизда олиб борилган янгиланишлар, ўзгаришлар ҳамда ўзлари босиб ўтган ҳаёт йўллари билан мисоллар келтиришди. Уларнинг сўзларидан мустиқил юрт фарзанди эканлигимдан ғурурландим, — дейди «Янги авлод» болалар ижтимоий республика фестивалининг ғолиби, чирчиқлик Дилнавоз Нажимова.

Тадбир давомида ёшлар томонидан тайёрланган концерт дастури на-

мойиш этилди.

Тадбир сўнггида нуроний фахрийларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари топширилди.

«Икки авлод» учрашувида «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Эркин Боқибоев ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Фаниев қатнашди.

**Рустам ЮСУПОВ**  
**«Turkiston» муҳбири**

**Qadriyat**

## Мустиқкам оила — жамият таянчи

Азалдан халқимизда оилага эътибор миллатга, келажакка эътибор сифатида қаралган. Оила бор экан, унда болалар туғилиб ўсади, эртанги кун эгалари вояга етади. Ҳар бир бола ёши ва ирқидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, давлат ҳимоясига олиниб, болалар манфаатлари, шу орқали оилалар манфаатлари ҳам мамлакатимизда қонун билан йўли ҳимояланган.

Истиклол шарофати билан юртимизда оила институтининг ҳуқуқий асослари миллий кадриятлар асосида янада мустиқкамланди. Зеро, оилани мустиқкамлашнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам миллий ва маънавий кадриятларимизни авайлаш, инсон кадр-қимматини улуғлаш, халқи-

мизга хос ўзаро ҳурмат, одамийлик, шарқона одатларимизни улуғлашдан иборатдир. Оила аталмиш муборак масканда вояга етadиган ҳар бир инсон тақдири мамлакат, ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада вояга етган болаларга ўша оилада шаклланган ўзига хос

кадриятлар, боқий анъана ва одатлар, тарбия орқали сингдириб борилади, аждоддан авлодга мерос бўлиб қолади.

Ўз оиласини мустиқкамлашга, фарзандларга муносиб тарбия беришга ҳар бир ота-она масъулиги қонуналаримизда ҳам баён этилган. Ҳар томонлама етук инсонни вояга етказиш ота-оналар зиммасига ана шундай катта вазифа юклайди. Демак, оилалар тинч, фаровон экан, унда вояга етadиган келажак авлод эгалари ҳам ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб улғайишларига шубҳа йўқ.

**Муҳаббат КОМИЛОВА,**  
**Янгийўл туманидаги 2-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси**



**Диққат, ЭЪЛОН!**

*Сиз соғлом турмуш тарзи тарафдоримисиз? Ундай бўлса, бизга қўшилинг!*

**Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳаваскор велоспортчи ёшларни навбатдаги — VI анъанавий «Kamolot-tur» ёшлар веломарафонига тақлиф этади.**

Веломарафоннинг ҳудудий босқичи **жорий йилнинг 3-10 сентябрь кунлари** республикамизнинг барча вилоятларида ўтказилади. Финал босқичига **14 сентябрь соат 10:00 да** Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги «Роҳат» постидан старт берилади. Мусобақа иштирокчилари йигирма километрлик масофани босиб ўтадилар ва финиш чизигида, «Ёшлик — «Камолот» спорт мажмуасида мухлислар билан кутиб олинади.

Веломарафонда ҳаваскор ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда барча йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин.

**Унутманг, асосийси мусобақада ғолиблик эмас, иштирокдир!**

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — экологик тоза транспорт тарафдори!**

**Батафсил маълумотларни 8(371) 241-01-61, (+99890) 252-99-97 рақамлари орқали ёки www.kamolot.uz сайтидан олишингиз мумкин.**



# Истиқлол берган имконият туфайли

Оққўрғон туманида Ўриш Сафаровни билмайдиган, уни танимайдиган киши бўлмаса керак. Айниқса, устозлар, муаллимлар ҳақида гап кетганда, биринчилардан бўлиб у кишини тилга олишади. Ўриш ака бундай шарафга истиқлол берган имкониятлар, ундан унумли фойдаланган ҳолда ўз меҳнати, тиришқоқлиги билан эришиб келмоқда.



Хушxabарнинг қаноти бор, дейишadi. Яқинда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармони га кўра, Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-хунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси Ўриш Сафаровнинг «Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси» фахрий унвонига сазовор бўлгани бир зумда бутун Оққўр-

ғонга тарқалди ва кўпчиликни хурсанд этди. Айниқса, уни яқиндан билган ҳамкасбларининг, шогирдларининг қувончи чексиз.

— Ўриш ака ўз касбининг устаси, жонкуяр ва меҳрибон устоз, — дейди мамнунлик билан информатика ўқитувчиси Тўлқин Ҳошимов. — Информатика соҳасида нимани ўрганган бўлсам, барчаси устозимнинг зукко ва талабчанлиги туфайлидир. У кишига берилган юксак мукофотни эшитиб, беҳад қувондим.

Дарҳақиқат, Ўриш Сафаров шогирдлари таъкидлаганидек, меҳрибон мураббий, талабчан устоздир. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг амалий математика ва механика факультетини тамомлаб, кўп йиллардан бери талаба-ёшларга компьютер соҳаси бўйича сабоқ бериб келаяпти. Ўзининг ҳар бир дарсини ноанъанавий услубда ўтишга ҳаракат қилади, интернет ва Ziyonet материалларидан унумли фойдаланади.

Устознинг изланувчанлиги, янгиликка интилиши эътиборга молик. 2008 йилда «Ил ўқитувчиси» танлови голиби бўлди. Уша йили дарсларда ахборот-технология қурилмаларидан самарали ва оптимал фойдаланиш имкониятлари тўғрисида илмий-услубий қўлланма яратди. 2010 йил-

да касб-хунар коллежларининг ёш ўқитувчилари учун «Касб-хунар коллежларида замонавий педагогик технология асосида дарсни ташкил қилиш усуллари» номли услубий қўлланмаси эълон қилинди.

Айни пайтда Ўриш ака ўзи меҳнат қилаётган агробизнес ва сервис касб-хунар коллежининг касба уюшмаси раиси сифатида ҳам жамоа орасида ўз ўрнига эга.

— Бугун мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида жуда катта ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди у. — Хусусан, янги мактаблар, академик лицей, касб-хунар коллежлари бунёд этилди. Мавжудлари замон талаблари асосида таъмирланмоқда. Биргина Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-хунар коллежини тўлиқ капитал таъмирлаш учун жорий йилда 392 миллион сўм маблағ ажратилди. Қўшимча тартибда учта ўқув хонаси зарур анжомлар билан жиҳозланди, АРМ хонасига саккизта замонавий компьютер келтирилди. Бундай кўламдаги ишлар барчани қувонтиради. Берилган юксак мукофотдан руҳланиб, ёшлар тарбияси, камолоти йўлида бор кучим, шижоатим билан янада кўпроқ меҳнат қиламан.

Айтиш жоизки, Ўриш ака эккан эзгулик дарахти бугун мева туккан. Ундан фарзандлари, юзлаб шогирдлари бирдек баҳраманд бўлишмоқда. Зеро, ҳар бир инсон учун фарзандлари ва шогирдлар камолтини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

## Энг улуг мақсад Ватанга хизмат қилишдир!

— дейди «Шухрат» медали соҳиби Фахриддин ҚОБИЛОВ

Етти йилдири, Фахриддин тиним билмайди: «Камолот»нинг Жиззах вилояти кенгаши томонидан ўтказилган турли тадбир, учрашув ва давра суҳбатларида унинг ташаббускор, ёшларни жалб этиш билан банд эканига гувоҳ бўласиз. 2006 йили вилоят кенгашида тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича бош мутахассис вазифасида иш бошлаган Фахриддин ҳозирда ташкилий кадрлар ва ахборот-таҳлил бўлими мудири вазифасида хизмат қилмоқда.

«Камолот» тадбирларини юқори савияда ташкил этишда билим, ташаббускорлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатларга эга бўлиш керак. Фахриддин Қобилонинг ҳаракатларида ана шу хусусиятлар доим бўй кўрсатиб туради. Давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз фармони га биноан у «Шухрат» медали билан тақдирланганини эшитиб, барча «Камолот»чилар бирдай қувонди.

— Фахриддин эркин фикрлай оладиган, барча билан тез тил топишиб кетадиган, мураккаб вазиятларда ҳам ўзини бошқара олиш хусусиятига эга йигит,



— дейди Ҳаракатнинг Жиззах вилояти кенгаши раиси Азамат Дархонов. — Фаолияти давомида ўзининг ҳамisha изланувчанлиги билан эътиборга тушган. Айниқса, вилоятимиз ёшларининг қатор юқори натижаларни қўлга киритишига ўз хиссасини қўшган. Шунинг учун ҳам уни кадрлаймиз, у билан фахрланамиз.

Фахриддин Қобилон ўқув муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлими мудири фахри дарида «Камолот» стипендиси, «Қувноқлар ва зукколар», «Ниҳол», «Заковат», «Менинг бизнес гоям», «Бунёдкор» талабалар меҳнат гу-

руҳлари, «Мунозара» дебат клуби каби қатор лойиҳаларни амалга оширди.


«Сиз қонунни биласизми?», «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўриктанловлари 2005 йилдан буён Фахриддин Қобилон ташкилотчилигида ўтказиб келинади.

Унинг яна бир ютуғи ўқув муассасаларидаги ёшлар билан ишлаш бўлимида ишлаган даврида бўлим номидан иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида «Ёшларимиз ҳақида ўйларимиз» номли китобни чоп эттирган.

— «Камолот»да ишлаб бошлаган кунларимданок ҳаётимдаги ҳақиқий фаолият завқини туйганман, — дейди Фахриддин. — Ватан равнақи га хисса қўшиш деган улуг ва муқаддас тушунча фаолиятим давомида онгимга янада мустаҳкам жойлашди.

Тилагимиз Фахриддин Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида ёшларни ўз атрофида бирлаштира олиш қобилиятини бундан кейин ҳам намоён этаверсин.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири



### Яқин қолди

Япониянинг компьютер ўйинларини дастурловчи «Комами» компанияси PES (Pro Evolution Soccer) ўйинининг Осиё чемпионлар лигаси учун мўлжалланган лицензиясини олди.

Эндиликда «PES — 2014»да Осиёнинг жами 32 та клуби бўлиб, улар сафида Тошкентнинг «Пахтакор» ва «Бунёдкор» клублари ҳам бор. ОФК Маркетинг қўмитаси раҳбари Ҳафиз ал-Медлеж шартнома тузишга бағишланган тадбирда бу ўйин Осиёнинг етакчи клублари ва ўйинчиларини дунёнинг ҳар бир бурчагига олиб киришини айтди.

Ўйиннинг демо версиясини 11 сентябрь куни интернетдан кўчириб олиш мумкин.

### Жониворни мазах қилманг

Швециянинг «Kolmarden National Park» ҳайвонот боғидаги горилла томошабинлардан бирига тош отди.

Бунинг натижасида 38 ёшли аёлнинг пешонаси ёрилган. Боғ маъмуриятининг сўзларига қараганда, аёл маймунни масхара қилган. Натижада, маймун ерда ётган тошлардан бирини аёлга қарата улоқтирган.

Ҳозирда аёл боғ маъмуриятини судга бериш ниятида. Бундан бир йил муқаддам айнан шу боғда Энцо лақабли маймун етти ёшли болага тош билан ҳужум қилган эди.

### Кутилмаган меҳмон

Буюк Британиялик Леон Смит эрталаб ўз уйида кутилмаган меҳмон — тулкини учратди.

Аниқроғи, эрталаб уйғонган Леон ўз ётоғида ўртача катталиқдаги тулкини кўрди. Аввалига кўрқиб кетган эркак унинг жим термилишидан ўзига келди. Тулкини қимирламасдан телефонида суратга туширди. Сўнгра бир сакраб хонадан чиқиб олди-ю, тулкини таёқ билан аввалига ётоқхонасидан, кейин уйдан ҳайдаб қувди. Бахтли тасодиф туфайли тулки ҳеч қандай зарар етказмаган.

### Яхши янгилик

«Honda» автомобиллари эндиликда йўлдан бехосдан чиқиб қолиши мумкин бўлган пиёда ва мотоцикллар ҳақида ҳайдовчига олдиндан хабар беради.

Машина махсус сигнални ҳайдовчининг телефони га юборади. Телефон эса дарҳол овозли сигнал орқали огоҳлантиради. Бунга асосий сабаб телефонда SMS ёзишаётганда фалокатларнинг юз бераётганидир. Бунинг учун телефонда DSRC тармоғи мавжуд бўлиши керак. Айни пайтда автоконцерн синов машиналарини чиқарди. Мутахассислар фикрича, янги лойиҳа «Volvo» ҳамда «Audi» ишлаб чиқарган, пиёдани кўрганда автоматик тарзда секинлашувчи ускуна, немис машиналарининг эса пиёдаларга қарата автоматик чироқларини ёқиш хусусиятларига яхшигина рақобатдош бўлади.

**Интернет манбалари асосида**  
**Лайло ТўРАЕВА тайёрлади**



## Тошкент: Хадра майдони



УзА сурати

## Obod turmush yili

## Маҳаллада «Камолот» футбол ўйингоҳи

## Maydonda sinalganlar

Шу кунларда Америка Қўшма Штатларида теннис бўйича давом этаётган «US Open» мусобақаси қизгин паллага кирмоқда. Унда иштирок этаётган ҳамюртимиз Денис Истомин мусобақанинг учинчи даврасига йўлланма олди.

## Ҳамюртимиз — энг кучлилар сафида

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси биринчи ўйинида испаниялик таниқли теннисчи Николас Алмагрони 6:3, 6:1, 4:6, 6:3 ҳисобида енган эди. Кеча Истомин иккинчи босқичда германиялик Тобиас Камкега қарши кортга чиқиб, рақибини 6:4, 6:2, 6:2 ҳисобларида мағлуб эта олди.

Мусобақанинг учинчи босқичида юртдошимиз энди италиялик Андреас Сеппи билан кортга чиқади.

Футбол бўйича Франция терма жамоаси ҳамда «Бавария» клуби ярим ҳимоячиси Франк Рибери UEFA версиясига кўра 2012-2013 йилги мавсумда «Европанинг энг яхши футболчиси» деб топилди.

## Европада энг яхши

Ўттиз ёшли Рибери «Барселона» ҳужумчиси Лионел Месси ва «Реал Мадрид» ярим ҳимоячиси Криштиану Роналдуни ортда қолдирди.

Кеча эса Чехия пойтахти Прага шаҳрида Европа суперкубоги учун «Бавария» (Германия) ва «Челси» (Англия) жамоалари майдонга тушди. Асосий ва кўшимча вақтларда жамоалар иккитадан тўп киритди. Пенальтилар тепиш бўйича эса омад Европанинг энг яхши ўйинчиси тўп сураётган жамоага кулиб боқди — 5:4. Шундай қилиб, Франк Рибери ва унинг жамоаси бу йилги тўртинчи совринини қўлга киритди. Бунгача «Бавария» 2012-2013 мавсумида Германия чемпионати, Германия кубоги ва Европа чемпионлар лигасида ғолиб чиққан эди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» муҳбири



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган «Навбахор» маҳалласида «Камолот» футбол майдони барпо этилди. У мустақиллигимизнинг 22 йиллигига муносиб тўхфа бўлди. Бундан маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар жуда хурсанд.

— Ушбу майдонча маҳалламиз учун катта совға бўлди, — дейди Чилонзор туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олим Хайитбоев. — Унга «Камолот» ЁИХ Чилонзор тумани кенгаши билан келишиб, «Камолот» номини бердик. Маҳалламизда саккиз минг беш юз нафар фу-

қаро яшайди. Уларнинг уч мингга яқини ёшлар. Айни кунда маҳалла фаоллари ташаббуси билан ҳашар қилиб баскетбол ва волейбол спорт майдонини ҳам қураёلمиз.

— «Камолот» футбол майдони уйимизга яқин. Энди тенгдошларим билан мазза қилиб футбол ўйнаймиз. Ўзим бокс билан шу-

қулланаман. Турли мусобақаларда ҳам қатнашганман, — дейди 184-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муҳаммадали Амиров.

Футбол майдонида янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга байрам шуқҳини улашди. Маданий дастурдан сўнг футбол ўйини бошланди. Унда «Навбахор» маҳалласи-

нинг иккита — «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари куч синашди. Ўйинда дўстлик ғалаба қозонди. Ҳар иккала жамоага маҳалланинг рамзий кубоги топширилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» муҳбири.  
Сардор Муллажонов олган сурат

## ВАТАН

Қадр-қиммат сўзи бизга бўлиб шир,  
Дилда туйдиқ қувонч, гурур ва ифтихор.  
Бу улғур юрт — Ўзбекистон, дея тақдор,  
Қон-қонимга сингиб кетган сўзим — Ватан.

Ҳаётдан устун турар йиғит ори,  
Шу юрт учун хизматга шай фарзандлари.  
Муқаддасдир бажармоқлик элнинг корин,  
Меҳр нури балққан иссиқ юзим — Ватан.

Ўзим ерда, қуёшга бўйлашган қадрим,  
Уриб тургай сенинг меҳринг ила қалбим.  
Отам, онам, меҳрибоним, жигарларим,  
Сен борлигим, азиз қора кўзим — Ватан.

Муҳаббатдан сўз очсалар титраб танам,  
Севгим изҳор этай, дея олдим қалам.  
Шеърга солай, куйга солай мадҳинг мен ҳам,  
Сен қутлуг сўз, сен дostonим, созим — Ватан.

**Зокир ИСЛОМОВ**

## Yoshlik ilhomi

## YON DAFTARCHANGIZGA

Қадр билган қариндош  
Мард бўлишга кўндирар.  
Эр бошига иш тушса,  
Сўяб отга миндирар.

**Ўзбек халқ мақоли**

## МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон  
Республикаси  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007  
йил 19 апрелда  
№ 0242 рақам  
билан рўйхатдан  
ўтган.



## Бош муҳаррир:

**Ашуров Салим Тўраевич**

## Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

## Навбатчи муҳаррир:

Юсупов  
Рустам  
Қўчқорович

## Саҳифаловчи:

Рўзиев  
Зафар  
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар:  
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табак.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Нашр индекси — 203, 3203  
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-943.  
Адади — 8391  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 04.20  
ЎзА якуни — 03.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6